

## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1436-ҳадис

1436/3521 – وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: رَأَيْتُمْ عَمْرَو بْنَ عَامِرِ بْنِ لُحَيْيٍّ الْخُزَاعِيَّ يَجُرُّ فُصْبَهُ فِي النَّارِ، كَانَ أَوَّلَ مَنْ سَيَّبَ السَّوَائِبَ.

1436.3521. Зухрийдан ривоят қилинади:

«Саъид ибн Мусайябнинг бундай деганини эшитдим: «Баҳийра - тоғутларга аталгани сабабли сутини соғиш ман қилинган туя бўлиб, уни бирорта одам соғмайди. Соиба - уларнинг олиҳалар учун ўз ҳолича қўйиб юборилган ҳайвонлари бўлиб, унга ҳеч нарса ортилмайди».

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу деди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мен Амр ибн Омир ибн Луҳай Хузобийнинг дўзахда ичак-чавоғини судраб юрганини кўрдим. У ҳайвонларни соиба қилган биринчи кишидир»**, дедилар».

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI